

2019

CODICOLOGICAL ANALYSIS OF MANUSCRIPTS OF WORK «AL-FIQH AN-NOFE'»

Begzod Muxtorov Mr

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, b.muxtarov@iiu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

Recommended Citation

Muxtorov, Begzod Mr (2019) "CODICOLOGICAL ANALYSIS OF MANUSCRIPTS OF WORK «AL-FIQH AN-NOFE'»," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Bekzodbek MUKHTAROV,
*Doctor of philosophy PhD. INTERNATIONAL
ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
b.muxtarov@iiiau.uz*

**«АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ» АСАРИ
ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ КОДИКОЛОГИК
ТАҲЛИЛИ**

**КОДИКОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ
РУКОПИСЕЙ ПРОИЗВЕДЕНИЯ
«АЛЬ-ФИКХ АН-НАФЕЪ»**

**CODICOLOGICAL ANALYSIS OF
MANUSCRIPTS OF WORK «AL-FIQH
AN-NOFE'»**

Калит сўзлар: Самарқандий, «ал-фиқҳ ан-нофеъ»,
фиқҳ, ҳанафийлик, манба, манбашунослик, қўлёзма.

Ключевые слова: Самарқанди, «аль-фикх ан-
нафеъ» фикх, Ханафи, источник, источниковедение,
рукопись.

Key words: Samarkandi, "al-fiqh an-nofe'", fiqh,
hanafi, source, source studies, manuscript.

Ҳанафий фикҳи ўзининг мужтахид олимлари ва улар томонидан таълиф этилган усул ва фуруъ фикҳига оид мўътабар манбаларига эга. Бунга эса қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улар орасида мовароуннаҳрлик фақиҳ аллома Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний (баъзи манбаларда Ҳусайний [2; 339 б.] деб келган) Маданий Самарқандий Ҳанафий (ваф. 556/1161)нинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» («Фойдали фикҳ») асари бу мазҳаб фикҳига оид мўътабар манбалардан бири ҳисобланади.

Носируддин Самарқандий ўз даврида Куръон илмлари, ақида, фикҳ, одоб-ахлоқ, тарих ва тил каби илм соҳаларига оид ўндан ортик китоблар ёзган олимлардан бири бўлиб, улардан бир қанчаси бизгача етиб келган. Абулқосим Самарқандий илмий меросининг асосий қисмини фикҳ илмига оид асарлар ташкил этиб, бу асарлар Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига муҳим манбалар саналади. Жумладан, олимнинг фуруъ ал-фиқҳ илмига оид асарлари ичида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари алоҳида аҳамият касб этади.

Хожа Халифа асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида шундай дейди: ««Нофеъ фий шарҳи мухтасар ал-қудурий», «Нофеъ фил фуруъ» асари муаллифи Шайх Имом Носируддин Абулқосим Муҳам-

Мовароуннаҳр диёри ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган олимлар юрти ҳисобланади. Бу ўлкадан етишиб чиққан уламолар томонидан ёзилган ислом таълимоти, ҳуқуқи ва ахлоқига оид асарлар нафақат мусулмон олами, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган. Бунга дунё кутубхоналарида сақланаётган, нодир қўлёзма манбалар сифатида эътироф этилаётган асарларни мисол келтириш мумкин.

Шундай факих уламолардан бири Абулқосим Носируддин Самарқандийдир. XI–XII асрларда Самарқанд шаҳрида яшаб, ислом илмлари, хусусан, Қуръон илми, ақида, фикҳ, ахлоқ, тарих ва луғат илмлари билан машғул бўлган ҳамда Мовароуннаҳр илм-фани ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Айниқса, олимнинг фикҳ илмига доир асарлари ҳанафий фикҳига оид муҳим манбалардан саналиб, улар орасида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар фуруъ ал-фикҳ илмига оид асар бўлиб, кўплаб олимлар томонидан эътироф этилган ва унга шарҳ ва изоҳлар битилган. Бу асарнинг бугунги кунда дунё кутубхоналарида ўттиздан ортик қўлёзма нусхалари мавжуд. Шу сабабли ҳам ушбу мақолада «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ёзилиш тарихи, таркибий тузилиши, унинг қўлёзма нусхалари, уларнинг манбашунослик таҳлили ва ўзига хос хусусиятлари тарихий манбалар асосида илмий ва киёсий тадқиқ этилган.

Мавераннаҳр – это место ученых, внесших значительный вклад в развитие исламских наук. Произведения исламских доктрин, прав и нравов, написанные учеными из этой страны, популярны не только в мусульманском мире, но и во всем мире. Примеры включают труды, хранящиеся в библиотеках по всему миру и признанные редкими источниками рукописи. Одним из таких ученых является Абу аль-Касим Насируддин Самарканди. Он жил в Самарканде в 11-м и 12-м веках и изучал исламские науки, в частности науки Корана, доктрины, юриспруденцию, этику, историю и лексику, и внес большой вклад в развитие науки Мавераннахра. Труд «аль-Фикх ан-нафеъ» являются одними из важнейших источников юриспруденции Ханафи. Эта работа известна как наука фикх и была признана многими учеными с комментариями и комментариями к ней.

Сегодня в мировых библиотеках хранится более 30 рукописей. По этой причине изучается и сравнивается с историческими источниками история написания «аль-Фикх ан-нафеъ», ее структура, рукописные копии, их источниковедение и их особенности.

Movarounnahr is a place of scholars who have made a significant contribution to the development of Islamic sciences. The works of Islamic doctrines, rights and morals, written by scholars from this country, are popular not only in the Muslim world, but throughout the world. Examples include works stored in libraries around the world and recognized as rare manuscript sources.

One of such scholars is Abul Qasim Nasiruddin Samarkand. He lived in Samarkand in the 11th and 12th centuries, and studied Islamic sciences, in particular the Quranic sciences, doctrines, jurisprudence, ethics, history and lexicon, and contributed greatly to the development of science in Movarounnahr. The works of «al-Fiqh an-nofe'» are among the most important sources of Hanafi jurisprudence. This work is known as the science of fiqh and has been recognized by many scholars with commentary and commentary on it.

There are more than 30 manuscripts in the world's libraries today. For this reason, the history of the writing of «al-Fiqh an-nofe'», its structure, its manuscript copies, their source studies, and their specific features are researched and compared with historical sources.

мад ибн Юсуф бўлиб, у 555/1160 йилда мухтасар бир китоб таълиф қилишни бошлаб, робизул аввал ойида ёзиб тугатади. У асар фикҳ илмига оид мухтасар китоб бўлиб, Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошланиб, охирида: «Мендан инсонлар фикҳ илмига оид фойдали китоб ёзишимни сўрадилар. Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолда саҳиҳ ривоятлар асосида фикҳ илмининг назарий асосини китобда жамладим. Ва бу китобни «ал-Фикҳ ан-нофеъ» деб номладим», – деб яқунланади» [20; 1921-1922 б.].

Бу асар Самарқандийнинг вафотидан сўнг ҳанафий фикҳи назарияси бўйича асосий китоб сифатида бир неча асрлар мобайнида толиби илмларга дарс берилган, унга кўплаб ҳанафий олимлар томонидан шарҳ ва изоҳлар битилган ҳамда кейинги асрларда мазҳаб фикҳига оид китобларни таълиф этишда у асардан истефода этилган [2; 230 б.].

Асарнинг аҳамияти борасида ҳанафий уламолардан бири Абдулхай Лакнавий: «Олимнинг фикҳ илмида ёзилган «Нофеъ» асари ўзи мухтасар бў-

лишига қарамасдан, Аллоҳ таоло уни кўпчиликка фойдали ва манфаатли китоб қилган», – деб таъриф беради [11; 219-220 б.]. Яна бир манбада: «Абулқосим ибн Юсуф Маданийнинг фикҳ илмига оид «Нофеъ» асари бўлиб, у асар кўпчилик томонидан ўқилган ва унга шарҳлар битилган», – деб таъкидланади [2; 230 б.].

«Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарига ёзилган шарҳлар, асардаги сўз ва ибораларга кейин аср олимлари томонидан изоҳлар ва қўшимчалар киритилиб тартибга солинган китобларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

– Имом Гиждувоний шарҳи [8]. (Домад Зода кутубхонасида сақланади. №. 846-847.).

– Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 665/1267 й.)нинг шарҳи. У «ал-Манофий фий фаваид ан-нофеъ» деб номланади [5].

– Али бин Муҳаммад Ромуший Бухорий (ваф. 666/1268 й.)нинг шарҳи бўлиб, «ал-Манофий фий фаваид ан-нофеъ» деб аталади [5].

– Ҳофизуддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (ваф. 710/1310 й.) нинг «ал-Мустасфо» деб номланган шарҳи [3].

– Муҳаммад бин Илёс Моймарий (ваф. 751/1350 й.)нинг шарҳи [5].

– Аллома Саъдуддин Масъуд бин Умар Таф-тазоний (ваф. 793/1391 й.) ҳам бу асарга шарҳ ёзгани баъзи китобларда айтиб ўтилган [8]. (Домад Зода кутубхонасида сақланади. №. 848).

– Абу Бакр ибн Маҳмуд Ҳамавий асардаги ўзига хос ибораларни шарҳлаб, баъзи қийин жумлаларига изоҳ ёзган. У асарини «ал-Ҳодий ли ал-бодий» деб номлаган [2; 65 б.].

– Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жалолоддин Султон (ваф. 740/1340 й.) уни тартибга солган [5].

– Аҳмад ибн Али Ҳамадоний (ваф. 755/1354 й.) ҳам асарни тартибга солиб, баъзи ўзгартиришлар асосида изоҳлаган [5].

– Замонавий мусулмон олимларидан бири Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад Аббод асарни илмий тадқиқ этиб, мухтасар манба сифатида 2000 йилда Ар-Риёда нашр эттирган [5;6;7].

Бугунги кунда «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг дунё бўйлаб тарқалган ўттиздан ортиқ қўлёзма нусхалари маълум ва машҳур. Бу қўлёзмалар дунёнинг энг йирик кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Ирландия, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони кутубхоналарида бу асарнинг қўлёзма нусхалари борлигини кўриш мумкин [5; 33-55 б.]. Шунингдек, юртимизда асарнинг иккита қўлёзма нусхаси сақланади.

Асар қўлёзмаларини тадқиқ этиш ва улар орқали асарнинг тўлиқ мазмунини очиб бериш, асарнинг ҳанафий фикҳи, хусусан, Мовароуннахр фикҳи ривожига аҳамиятини кўрсатиб ўтиш ҳозирги кунда исломшунос ва манбашуносларнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шундай келиб чиққан ҳолда мақолада асарнинг бизга маълум қўлёзма нусхаларининг кодикологик таҳлили амалга оширилган.

Куйида асарнинг бизга маълум қўлёзма нусхалари ҳақидаги маълумотларни шартли равишда улар сақланаётган ҳудудларга ажратган ҳолда келтириб, уларнинг манбашунослик таҳлилини амалга оширамиз:

– **Саудия Арабистони нусхалари:** Асарнинг қисман тўлиқ сақланган қўлёзма нусхаларидан бири Саудия Арабистони «Жомиъат ал-Имом Муҳаммад бин Сауд ал-Марказий» кутубхонасида № 841 рақами билан сақланаётган нусхаси бўлиб, бу манба тахминан ҳижрий VIII асрга оид. Охирги варақларининг мавжуд эмаслиги сабабли манбани

кўчирган хаттот ва кўчирилган санаси номаълум. Манбанинг охирги саҳифасига асарнинг номи «كتاب النافع في الفقه» – «Китаб ан-нофеъ фий ал-фикҳ» деб ёзилган. Манба араб тилида, настаълик хатида ёзилган бўлиб, 188 варақ, 376 саҳифадан иборат. Ҳар саҳифага 19 сатр (қатор)дан иборат матн ёзилган. Матн ўлчами 13x18.5 см ташкил этади. Манба муқоваланган ва унга асар номи битилган. Манбанинг охирги варағида «ал-Фикҳ ан-нофеъ»нинг қисқача мундарижаси ёзилган. Асар «بسم الله الرحمن الرحيم» («Бисмиллаҳир роҳманир роҳим») деб Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошланади [15; 16.]. Асарнинг китоб (бўлим), боб ва фасллари қизил рангда ёзилган унвони ва хошияси мавжуд. Асар «كتاب الطهارة» – «Китаб ат-Таҳорот» (Таҳорат китоби)дан бошланиб, «كتاب الوصايا» – «Китаб ал-Васоя» (Васиятлар китоби)нинг «ومن أوصى لرجل بألف درهم» («Ва ман авсо лирожулин биалфи дирҳам») фасли билан якунланади. Қўлёзмада асарнинг 62 та китоб (бўлим)и, 51 та боб ва 141 та фасли мавжуд. Қўлёзма-нинг қолган қисми сақланиб қолмаган [15].

Бу кутубхонада № 142 рақами билан сақланаётган асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси 1188/1765 йилда хаттот Юсуф Жамолий томонидан кўчирилган бўлиб, бу қўлёзма қолганларига нисбатан кейинги асрларда ёзилган нусха саналади. Манба араб тилида, настаълик хатида қора рангда, унвони баъзан қизил, баъзан эса қора рангларда ёзилган. Хошияси жуда ҳам кўп. Қўлёзма нусхаси жуда эскирган. Охирги варақлари сақланиб қолган. Шунга қарамадан «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари қўлёзмада тўлиқ акс этган. Асар «كتاب الطهارة» – «Китаб ат-таҳорот» (Таҳорат китоби)дан бошланиб, «كتاب الخنثى» – «Китаб ал-хунаса» (Хунаса китоби) билан якунланган. Қўлёзма 151 варақ, 302 саҳифа ва ҳар саҳифа 15 сатрдан иборат. Қўлёзма ўлчами 18x18 см ни ташкил этади [16].

Ушбу кутубхонада № 3410 рақам билан 942/1536 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. Қўлёзма ҳолати яхши. Озгина хошияси мавжуд. Хати ва унвони қора рангда ёзилган. Манба ўртасида нуқсон бор. У 248 саҳифа ва ҳар саҳифаси 19 сатрдан иборат. Қўлёзма ўлчами 18x26.70 мм ни ташкил этади.

Асарнинг қадимий нусхаларидан бири Саудия Арабистони Мадина шаҳридаги «Бишир Оғо мадрасаси» кутубхонасида сақланади. Бу қўлёзма 733/1333 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг биринчи саҳифасига асарнинг номи «كتاب الفقه النافع شرح على القدوري» – «Китоб ал-фикҳ ан-нофеъ шарҳ аъла ал-қудурий» деб ёзилган. Нусха 198 варақ, 396 саҳифа ва ҳар бир

саҳифаси 17 сатрдан иборат. Хати қора рангда араб тили настаълиқ хатида битилган. Ҳар бир саҳифаси пойгирланган. Лекин айрим саҳифаларида хошиялари бор. Асар «كتاب الطهارة» – «Китаб ат-таҳорот» (Таҳорат китоби)дан бошланиб, «كتاب الخنثى» – «Китаб ал-хунаса» (Хунаса китоби) билан якунланган [14].

Саудиянинг Мадина шаҳридаги «Ориф Ҳикмат» кутубхонасида № 213 рақам билан 767/1366 йилда кўчирилган манба чиройли ҳолатда бўлиб, аввалида асарнинг тўлиқ мундарижаси берилган. Хати қора рангда, унвони ҳам қора рангда кичкина ёзувда ёзилган. Асар 272 саҳифа ва ҳар саҳифаси 22 сатрдан иборат. Манба аввалида турли баён ва тушунтиришлардан иборат хошияси мавжуд. Қўлёзма муаллифи келтирилмаган. Қўлёзманинг ўлчами 210x155 мм дан иборат.

Саудиянинг Ар-Риёд шаҳридаги «Ар-Риёд ал-омма ас-саудийя» кутубхонасида Зуннун ибн Умар ибн Иброҳим бин Али бин Ҳамадон томонидан 769/1368 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси № 641 рақам остида сақланади. Унинг ўлчами 265x185 мм ни ташкил этиб, манбанинг унвони ва хати қора рангда араб тилида ёзилган. Фақат аввалги қисмида хошияси мавжуд бўлиб, яхши ҳолатда сақланган. Қўлёзма 464 саҳифа ва ҳар бир саҳифа 13 сатрдан таркиб топган [5; 50-55 б.].

– **Туркия нусхалари:** Асарнинг энг қадимий нусхаси 697/1298 йилда Мусо ибн Иброҳим ибн Умар томонидан кўчирилган нусхадир. Бу қўлёзма Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Сулаймония» кутубхонасида № 410 рақам билан сақланади. Қўлёзма яхши ҳолатда сақланган. Чиройли хатда қора рангда, унвони ҳам қора рангда ёзилган. Озгина хошияси мавжуд. 81–84 саҳифаларида нуқсон бор. Асар бошида қисқача мундарижа келтирилган. Манба 418 саҳифа ва ҳар бир саҳифаси 15 сатрдан иборат. Қўлёзма ўлчами 245x163 мм бўлса, матн ўлчами 180x108 мм дан иборат.

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Сулаймония» кутубхонасининг «Журлулу Али» фондида № 234 рақами билан асарнинг қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, у 697/1298 йилда Аҳмад исмли хаттот томонидан араб тилида кўчирилган. Қўлёзма жуда чиройли ҳолатда сақланган. Ёзувлари ҳам аниқ ёзилган бўлиб, ҳар бир бобларини алоҳидалигини ажратиш мумкин. Озгина хошияси бор. Хати ва унвони қора рангда. Манба 420 саҳифа ва ҳар саҳифаси 17 сатрдан иборат. Ушбу қўлёзманинг ўлчами 184x139 мм бўлса, матн ўлчами 140x90 мм ни ташкил этади.

Истанбул шаҳридаги «Сулаймония» кутубхонаси «Маҳмуд Пошо» фондида № 222 рақам билан

680/1281 йилда Илёс бин Алишер бин Абдулаҳад томонидан кўчирилган қўлёзмаси сақланади. Қизил рангда унвони мавжуд. Қўлёзма ўртасида 11 бобида нуқсон бор. Асар 304 саҳифадан иборат. Озгина хошияси бор. Абу Бакр Муҳаммад ибн Маҳмуднинг «ал-Ҳодий ли ал-бодий» асари ҳам қўлёзмада қўшимча ёзилган. Қўлёзма 240x160 мм муқова ва 180x115 мм матн ўлчамига эга [5; 50-55 б.].

«Сулаймония» кутубхонасининг «Домад Иброҳим» фондида Олим шайх бин Ҳасан бин Али Муҳаммад томонидан 704/1305 йилда кўчирилган нусхаси № 666 остида сақланади. Ушбу манба араб тилида ёзилган бўлиб, қора рангда унвони мавжуд. Ёзувлари қора рангда чиройли хатда ёзилган. Барча қисми чиройли ҳолатда сақланган. Хошияси мавжуд. Манба 366 саҳифа ва ҳар саҳифаси 17 сатрдан иборат. Абу Бакр Муҳаммад ибн Маҳмуднинг «ал-Ҳодий ли ал-бодий» асари ҳам қўлёзмада қўшимча ёзилган. Қўлёзманинг муқоваси 272x183 мм дан, матни эса 195x125 мм ўлчамдан ташкил топган [5; 50-55 б.].

Истанбулдаги «Боязид» номли яна бир кутубхона фондида № 2223/318 рақам остида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг яна бир нусхаси мавжуд. Ушбу нусха номаълум хаттот томонидан 705/1306 йилда кўчирилган. Қизил рангда унвони мавжуд. Қора рангда турли хатда ёзилган. Озгина хошияси бор. Кўчирган муаллифи ёзилмаган. Асар 408 саҳифа ва ҳар саҳифаси 19 та сатрдан таркиб топган. Лекин қўлёзма чиройли ҳолатда сақланган. Матн ўлчами 130x90 мм ни ташкил этади.

Туркиядаги «Сулаймония» кутубхонасининг «Раис ал-кутуб» фондида Яҳё ибн Илёс Амин Давла ал-Қунувий томонидан 709/1309 йилда кўчирилган нусха № 383 рақам билан сақланади. Қўлёзма жуда яхши сақланган. Қора рангда чиройли хатда битилган. Унвони ҳам қора рангда. Манба 330 саҳифа ва 19 сатрдан иборат. Қўлёзма ўлчами 205x150 мм, матни эса 152x102 мм.

«Сулаймония» кутубхонаси «ал-Фотих» фондида асарнинг № 2195 рақам билан 725/1325 йилда кўчирилган нусхаси бор. Қўлёзма чиройли ҳолатда сақланган. Озгина хошияси бор. Кўчирган муаллифи ёзилмаган. Қизил рангда унвони бор. Хати қора рангда битилган. Бошида асарнинг қисқа мундарижа келтирилган. Манба 550 саҳифа ва 15 сатрдан иборат [5; 50-55 б.].

Ушбу «ал-Фотих» фондида № 2198 рақам билан 759/1358 йилда кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. Бу қўлёзма араб тилида, унвони ва хати қора рангда ёзилган. Нусха чиройли ҳолатда сақланган. Бирок

биринчи варағи мавжуд эмас. Манба 518 саҳифа ва ҳар бир саҳифаси 15 сатрдан иборат. Озгина хошияси мавжуд. Кўчирган хаттотнинг исми ёзилмаган.

Бу фондда асарнинг учинчи бир нусхаси ҳам сақланади. Ушбу қўлёзма № 2197 рақам остида берилган бўлиб, 763/1362 йил сафар ойининг 14-куни ёзиб тугатилган. Хошияси мавжуд. Хати қора рангда, унвони эса қизил рангда ёзилган. Хаттотнинг исми зикр қилинмаган. Асар 398 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар саҳифаси 15-17 та сатрдан таркиб топган.

«Сулаймония» кутубхонасининг яна бир фонди «Шаҳид Али Пошо»да № 996 рақам остида «ан-Нофеъ» асарининг 732/1332 йилда Ўзган шаҳрида Бадриддин Сулҳоний томонидан кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. Қўлёзма хати ва унвони қора рангда ёзилган. Фақат баъзи ўринларда унвонини ёзишда қизил ранг қўлланилган. Манба яхши ҳолатда сақланган. Баъзи қисмларини ёзишда хаттот қизил рангдан фойдаланган, у 434 саҳифадан иборат. Ҳар бир саҳифасида турли миқдорда сатрлар мавжуд. Қўлёзма 169x138 мм ўлчамга эга.

Истанбулдаги «Бурту Пошо» кутубхонаси «Салимийя» фондида Закий бин Муҳаммад ибн Қудий томонидан 764/1363 йил жумадул аввал ойининг 6-санасида тугалланган нусхаси № 208 рақам остида сақланади. Манба яхши ҳолатда сақланган. Хати ва унвони қора рангда ёзилган. Озгина хошияси мавжуд. Қўлёзма 510 саҳифа ва ҳар бир саҳифаси 13 сатрдан ташкил топган [5; 50-55 б.].

«Сулаймония» кутубхонаси «Истанбул» фондида № 202 рақам билан яна бир қўлёзма сақланади. Ушбу манба 764/1363 йил жумадул охир ойининг 3-санасида Ҳасан ибн Ҳайдар ал-Қунувий томонидан кўчирилган. Унинг ўлчами 260x183 мм ни, матн ўлчами 170x120 мм ни ташкил этади. Қўлёзма яхши ҳолатда сақланган. Хати қора рангда, унвони қизил рангда битилган. Манба аввалида мавзулар мундарижаси ва хошияси мавжуд. Асар 396 саҳифа ва ҳар саҳифа 15 сатрдан ташкил топган.

Туркиянинг «Жомеъ Шариф Султон Аҳмад ас-Сулаймонийя» кутубхонасида Муҳаммад бин Авз ибн Усмон бин Аҳмад ар-Руфойи томонидан 796/1394 йилда кўчирилган қўлёзмаси № 530 рақам билан сақланади. Манбанинг озгина қисми эскирган. Аввалги қисмида хошияси мавжуд. Унвони ва хати қора рангда ёзилган. Манба ўлчами 284x194 мм, матн ўлчами эса 198x136 мм ни ташкил этади.

Туркиядаги «Файзуллоҳ» номли кутубхонада № 924 рақам билан ал-Мамлук Сотиблий бин Яхшойиш ал-Хосилий томонидан кўчирилган нусхаси мавжуд. У манба 860/1456 йилга оид бўлиб,

унинг ўлчами 270x184 мм дан иборат. Манба яхши ҳолатда сақланган. Унвони ва хати қора рангда битилган. Озгина хошияси мавжуд. Қўлёзма аввалида мундарижаси келтирилган. Манба 362 саҳифа ва 17 сатрдан ташкил топган.

«Сулаймония» кутубхонасининг «Лолахдий» фондида хаттот Муҳаммад аш-Шариф томонидан 1004/1596 йилда кўчирилган қўлёзма № 1113 рақам остида сақланади. Қўлёзма чиройли ҳолатда сақланган. Хошияси йўқ. Хати жуда майда қора рангда ёзилган. Унвони эса қизил рангда битилган. Аввалида асарнинг мундарижаси мавжуд. У 200 саҳифа ва ҳар саҳифаси 27 сатрда ёзилган. Қўлёзма ўлчами 233x157 мм, матн ўлчами эса 103x172 мм дан иборат [5; 50-55 б.].

Истанбулдаги «Сулаймония» кутубхонаси «Хўжа Бишир Оғо» фондида № 283 рақам билан сақланади. Ушбу қўлёзма 1079/1668 йилда Муҳаммад Байромзода томонидан кўчирилган. Асар яхши ҳолатда сақланган. Ёзувлари жуда чиройли битилган. Унвони ва хати қора рангда. Манба 202 саҳифа ва ҳар саҳифаси 29 сатрдан иборат. Озгина хошияси бор. Манба ўлчами 165x102 мм, асар матн ўлчами эса 72x135 мм дан иборат.

«Сулаймония» кутубхонасининг яна бир фонди «Ҳасан Ҳасаний Пошо»да Мустафо Усмон бин Али томонидан 1083/1672 йилда кўчирилган қўлёзма № 447 рақам билан сақланади. Манба яхши ҳолатда сақланган. Хати қора рангда ва унвони эса қизил рангда ёзилган. Асар бошида мавзулар мундарижаси берилган бўлиб, мавзулар тагига қизил чизиқ тортилган. Қўлёзма 352 саҳифа ва 19 сатрга ёзилган. Унинг ўлчами 210x143 мм бўлса, матни 70x135 ўлчамга эга.

Истанбулдаги «Файзуллоҳ» кутубхонасида № 925 рақам билан яна бир қўлёзма сақланади. Манбанинг хати ва унвони қора рангда ёзилган. Хошияси мавжуд. Уни кўчирган муаллиф ва ёзилган вақти ҳақида маълумот берилмаган. 870 саҳифаси ва 7-9 сатри мавжуд эмас. Қўлёзма ўлчами 174x140 мм дан иборат.

Туркиядаги «Боязид» кутубхонасида № 2505/585 рақам остида асарнинг қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, ушбу манба араб тилида қора сиёҳда ёзилган. Айрим сатрларига қизил чизиқ чизилган. Унвони қизил рангда. Хошия қисми намланган. Асар бошида мавзуларнинг қисқача мундарижаси келтирилган. 434 саҳифаси ва 17 сатри йўқолган. Манбанинг ўлчами 135x85 ни ташкил этади.

«Сулаймония» кутубхонасининг «ал-Фотих» фондида иккинчи бир қўлёзма № 2196 рақам билан сақланади. Қўлёзманинг бир қисмигина сақланиб

қолган. Хати қора рангда, унвонлари қизил рангда ёзилган. Охирги варақлари йўқлиги сабабли ким томонидан ва қачон ёзилгани маълум эмас. Манба 432 саҳифа ва ҳар саҳифаси 14 сатрда мавжуд [5; 50-55 б.].

«Сулаймония» кутубхонасининг «Лолаҳлий» фондида иккинчи бир нусха № 1114 рақам остида мавжуд бўлиб, ушбу қўлёзма яхши сақланган. Баъзи варақлари емирилган. Асар бошида мавзуларнинг мундарижаси ёзилган. Унвони ва хати қора рангда битилган. Ҳошияси йўқ. Муаллифи ва кўчирилган вақти берилмаган. Қўлёзма 334 саҳифа ва 21 сатрдан иборат. Қўлёзма ўлчами 165x250 мм, матни эса 125x197 мм дан иборат.

Истанбулдаги «Ҳорбут» кутубхонаси фондида «ан-Нофеъ»нинг қўлёзма нусхаси № 269 рақам билан сақланади. Ушбу манбанинг унвони ва ёзуви қора рангда. Охирги варақлари йўқлиги учун ким томонидан ёзилгани ва кўчирилган вақти маълум эмас. Ҳошияси бор. Асар бошида мавзуларнинг қисқача мундажираси келтирилган. У 418 саҳифа ва 17 сатрда ёзилгани сақланиб қолган. Қўлёзма ўлчами 145x230 мм ва матн ўлчами 90x150 мм ни ташкил этади [5; 50-55 б.].

– **Сурия нусхаси:** Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирийя» кутубхонасида № 7031 рақам остида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг яна бир қўлёзмаси мавжуд бўлиб, ушбу қўлёзма ўртача катталиқда қора рангда ёзилган. Унвони ҳам қора рангда. Ҳошияси йўқ. Манбанинг ёзилган вақти ва кўчирган муаллифи ҳақида маълумот айтилмаган. Унинг 150 саҳифа ва 17 сатрга ёзилгани мавжуд. Қўлёзма ўлчами 255x180 мм ни ташкил этади [5; 50-55 б.].

– **Ирландия нусхалари:** «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг яна бир қадимий нусхаларидан бири Ирландиянинг Дублин шаҳридаги «Шистрабти» кутубхонасида № 5137 рақам билан сақланади. Бу қўлёзма Ҳасан бин Муҳаммад ибн Ҳасан томонидан XIII аср охирида ёзилган. Манба жуда яхши сақланган. Асар хати ва унвони қизил рангда. Озгина хошияси бор. Асар 488 саҳифа ва ҳар бир саҳифаси 15 сатрдан иборат. Қўлёзма ўлчами 268x180 мм дан иборат.

Дублин шаҳридаги ушбу кутубхонада асарнинг № 4616 рақам билан сақланадиган яна бир нусхаси мавжуд бўлиб, у 753/1352 йилда Раҳматуллоҳ бин Муҳаммад бин Муъриб томонидан кўчирилгани айтилади. Қўлёзма яхши ҳолатда. Унинг суратлари Имом Муҳаммад бин Саъуд Марказий кутубхонасида, асл нусхаси Дублинда сақланади. Манба хати ва унвони қора рангда ёзилган. Ҳошияси йўқ.

Унинг 394 саҳифаси ва ҳар саҳифаси 15 сатрдан иборатлиги маълум [5; 50-55 б.].

– **Тошкент нусхалари:** Манбанинг юртимизда 2 та қўлёзмаси мавжуд. Улардан биринчиси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида № 4704 рақам остида сақланади. Унинг муаллифи ноъмалум. Манба 773/1372 йил ражаб ойининг 24-санасида кўчирилган. Асар «Аллоҳга ҳамд айтиш» билан бошланади. Унинг биринчи варағида асар мундарижаси келтирилган. Асар «*كتاب الطهارة*» – «Китаб ат-таҳорот» (Таҳорат китоби)дан бошланиб, «*كتاب الخنثى*» – «Китаб ал-хунаса» (Хунаса китоби) билан якунланган. 90 варақ, 180 саҳифадан иборат. Асар тўлиқ ҳолатда сақланган. Кўп ўринларида «*الوقف في سبيل الله*» – «ал-Вақф фий сабиллаллаҳи» («Аллоҳ йўлида вақф») номли муҳр қўйилган. Қўлёзма ўлчами 18x26 см дан иборат [17].

Иккинчи қўлёзма нусхаси ҳам шу институтда № 3032 рақам билан сақланади. Бу манбанинг ҳам кўчирган муаллифи берилмаган. Қўлёзма XIV асрга оид деб хулоса қилинган. Манба жуда яхши ҳолатда сақланган. Икки варақда асарнинг мундарижаси келтириб ўтилган. Қўлёзма 297 варақдан иборат бўлиб, 131–136 варақлари мавжуд эмас. Қолган 291 варағи тўлиқ сақланиб қолган. Қўлёзма ўлчами 15x21.5 см дан иборат [18].

Юқоридаги манбалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари қўлёзма нусхаларининг аксарияти тўлиқ ҳолатда, чиройли кўринишда сақланиб қолган бўлиб, асосан, XIII–XIV асрларда ёзилган қўлёзма нусхалар саналади. Улар орасида тўрттагина қўлёзма XV–XVII асрларга тааллуқли.

Асарнинг номи унинг қўлёзма нусхаларида «*كتاب النافع*» – «Китаб ан-нофеъ» ёки «*كتاب النافع في الفقه*» – «Китоб ан-нофеъ фий ал-фикҳ» ё «*النافع*» – «ан-Нофеъ» каби номлар билан ёзилган бўлишига қарамадан, унинг «*الفقه النافع*» – «ал-Фикҳ ан-нофеъ» деб номланган исми кенг тарқалган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари умумий тузилиши 64 та китоб (бўлим), 53 та боб ва катта-кичик 146 та фасллардан иборат бўлиб, деярли барчасида улар бир хилда номланган. Асар «*كتاب الطهارة*» – «Китаб ат-таҳорот» (Таҳорат китоби)дан бошланиб, «*كتاب الخنثى*» – «Китаб ал-хунаса» (Хунаса китоби) билан якунланган. Айрим қўлёзмаларда асар «*كتاب الفرائض*» – «Китаб ал-фароиз» (Мерос китоби) ёки «*كتاب الوصايا*» – «Китаб ал-васоя» (Васиятлар китоби) билан тамомланган. Қўлёзмаларда ушбу китоб, боб ва фасллар алоҳида қилиб ажратилган. Бу алоҳидалиқ мавзуларнинг матнга нисбатан каттароқ ҳарфлар билан ёзилиши ва ўша ҳарфларнинг

қора ёки қизил ранглар билан белгиланишида намоён бўлади. Аксар қўлёзмаларнинг хошиялари мавжуд. Баъзиларида эса жуда кўп хошиялар учрайди. Айрим қўлёзмаларгина пойгирланган.

Шунингдек, қўлёзмаларнинг асосий хусусиятларидан яна бири уларнинг араб тилида, настаълик хатида ёзилганлигидир. Шу билан бирга манбаларнинг аксарият нусхаларининг боши ёки охириги саҳифаларида асарнинг мундарижаси келтириб ўтилган.

Қўлёзма нусхаларнинг кўп қисми тўлиқ ҳолатда сақланиб қолмаган. Баъзи қўлёзма нусхаларнинг 75 варақдан иборат қисмигина сақланиб қолган бўлса, баъзиларида асар 198 ёки 244 варақда сақланган. Сатр (қатор)лар сони ҳам баъзи нусхаларда энг кам 7-9 сатрдан иборат бўлиб, айримларида 22 сатргача ёзилган.

Манбаларнинг боши ва охириги варақлари сақланиб қолган нусхаларида асарни кўчирган муаллифнинг исми-шарифини учратиш мумкин. Аммо тўлиқ сақланиб қолмаган қўлёзмаларда уларни кўчирган хаттот ва уни кўчирган санаси номаълум.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари Носируддин Самарқандийнинг фуруъ ал-фикҳ илмига оид асосий китобларидан бири бўлиши билан бирга асар ҳанафий фикҳига оид мўътабар манбалардан саналади. Манба қўлёзма нусхаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалгани ва уларнинг сақланиб қолган нусхалари сони ўша даврда ёзилган манбаларнинг сақланиб қолган сонига нисбатан кўпроқ эканлигини инобат олиб айтиш мумкинки, асар ўз даврида ва кейин асрларда ҳанафий уламолари ва ўқувчилари томонидан домий равишда ўрганилган ва кўплаб олимлар томонидан истефода этилган. Бугунги кунга келиб «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари ва унинг қўлёзма нусхаларини тадқиқ этиш, асардаги фикҳий масалаларни бугунги кун истеъмолига киритиш ва улардан замонавий ижтимоий муносабатларда учрайдиган саволларга жавоб топишда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, «Нофеъ» билан бир асрда ёзилган Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» асари бир-бири билан ёзилиш услуби яқин бўлиб, бунга иккала асар ҳам ёзилишда «Мухтасар қудурий» асарини асос қилиб олгани сабаб бўлган. Шунга қарамадан, «ал-Ҳидоя» асари Мовароуннаҳр фикҳида анча машхурликка эришган манбалардан ҳисобланади. «Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг «ал-Ҳидоя» асари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш, хусусан, «Нофеъ»нинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш зарур.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. /Tarjima va tafsir muallifi: A.Mansur; tahrir hay'ati: Usmonxon Alimov, Rahmatulloh qori Obidov, N.Ibrohimov va boshq.; Mas'ul muharrir: M.Ahmadjonov. –T.: Toshkent islom universiteti nashriyoti, 2009. – 624 b.
2. Abulfido Zaynuddin Qosim ibn Qutlubug'o Suduniy. «Toj ut-tarajim» asari. – Bayrut: Dor al-qalam nashriyoti, 1992. – 568 b.
3. Ahmad ibn Muhammad ibn Sad ibn Oli Sad G'omidiy. Doktor Abdulloh ibn Muslih Samoliy rahbarligi ostida. Imom Hofizuddin Abdulloh ibn Ahmad Nasafiyning «al-Mustasfo» asari ibodat qismi dars va tadqiqot. – Ar-Riyod: Ummul quro nashriyoti, 2011. – J.1. – 1122 b.
4. Doktor Abdulfattoh Muhammad Halaviy. Muhyiddin Ibn Muhammad Abdulqodir al-Hanafiyning «Javohir al-muziyya fiy tabaqot al-hanafiyya» asari tadqiqot. – Ar-Riyod: Dor al-ulum nashriyoti, 1993. – J 4. – 686 b.
5. Doktor Ibrohim ibn Muhammad ibn Ibrohim Abbud. Abulqosim Nosiruddin Muhammad ibn Yusuf Samarqandiyning «Al-fiqh an-nofe'» asari dars va tadqiqot. – Ar-Riyod. Maktabat al-abikon nashriyoti, 2000. – J 1. – 425 b.
6. Doktor Ibrohim ibn Muhammad ibn Ibrohim Abbud. Abulqosim Nosiruddin Muhammad ibn Yusuf Samarqandiyning «Al-fiqh an-nofe'» asari dars va tadqiqot. – Ar-Riyod. Maktabat al-abikon nashriyoti, 2000. – J 2. – 440 b.
7. Doktor Ibrohim ibn Muhammad ibn Ibrohim Abbud. Abulqosim Nosiruddin Muhammad ibn Yusuf Samarqandiyning «Al-fiqh an-nofe'» asari dars va tadqiqot. – Ar-Riyod: Maktabat al-abikon nashriyoti, 2000. – J 3. – 600 b.
8. Domadzoda Muhammad Qoziy Askar Murod kitoblari. Nosiruddin Abulqosim Muhammad ibn Yusuf Husayniy Samarqandiyning «al-Multaqot fiy al-fatavo al-hanafiyya» asari. Qo'lyozma. № 1056-1057. – Istanbul, Turkiya: Dor sa'adat nashriyoti, 1331/1884. – 179 b.
9. Ismoil Posho ibn Muhammadamin Bag'dodiy. «Izoh al-maknun fiy az-zayli a'la kashf az-zunun a'n asomi al-kutub val-funun» asari. – Bayrut: Dor ihyo at-turos al-arabiy nashriyoti, 2008. – J 2. – 376 b.
10. Sayyid Yusuf Ahmad. Nosiruddin Abulqosim Muhammad ibn Yusuf Husayniy Samarqandiyning «al-Multaqot fiy al-fatavo al-hanafiyya» asari tahqiqi. – Bayrut, Livan: Dor al-kutub al-ilmiyya nashriyoti, 2000. – 465 b.
11. Muhammad Abdulhay Laknaviy Hindiy. «Favoid al-bahiyya fiy tarajim al-hanafiyya» asari. – Qohira: Dor al-kutub al-islamiy nashriyoti, 1896. – J 1. – 262 b.
12. Mulla Ali bin Sulton Muhammad Qoriy. «Al-Asmar al-janiyya fiy asma al-hanafiyya» asari. – Bag'dod: Devon vaqf as-sunniy nashriyoti, 2009. – J 2. – 991 b.
13. Nosiruddin Muhammad ibn Yusuf Samarqandiy. «Kitob jome' al-fatavo» asari. Qirol Saud universiteti kutubxonasi. Qo'lyozma. Muhammad bin Hamza al-Qoziy tomonidan ko'chirilgan. № 1827. – 1161/1738. – 95 v.

14. Nosiruddin Samarqandiy. «Kitab al-fiqh an-nofe' sharh a'la al-quduriy» asari. «Bishir Og'ο madrasasi» kutubxonasi. Qo'lyozma. Saqlanish raqami berilmagan. – 733/1333 y. – 198 v.
15. Nosiruddin Samarqandiy. «Kitab an-nofe' fiy al-fiqh» asari. «Jomi'at al-Imom Muhammad bin Saud al-Markaziy» kutubxonasi. Qo'lyozma. № 841. XIII asr. – 188 v.
16. Nosiruddin Samarqandiy. «Kitab an-nofe' fiy al-fiqh» asari. «Jomi'at al-Imom Muhammad bin Saud al-Markaziy» kutubxonasi. Qo'lyozma. № 142. 1188/1765 y. – 151 v.
17. Nosiruddin Abulqosim Muhammad ibn Yusuf Samarqandiy Husayniy Madaniy. «Al-Fiqh an-nofe'» asari. O'zRes Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. Asosiy fond. Qo'lyozma. № 4704. Ko'chirgan muallifi noma'lum. – 773/1372. – 180 v.
18. Nosiruddin Abulqosim Muhammad ibn Yusuf Samarqandiy Husayniy Madaniy. «Al-Fiqh an-nofe'» asari. O'zRes Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. Asosiy fond. Qo'lyozma. № 3032. Ko'chirgan muallifi va sanasi noma'lum. – XIV asr. – 291 v.
19. Nosiruddin Abulqosim Samarqandiy. «Riyozatul axloq» asari. Malik Muhammad Hasan ibn Hamza Zohir shaxsiy kutubxonasi. Qo'lyozma. Inventar raqami berilmagan. – 868/1562. – 71 v.
20. Xoja Xalifa Mustafο bin Abdulloh. «Kashfuz zunuz an asomiya al-kutub val funun» asari. – Bayrut, Livan: Dor ihyo at-turos al-arabiy nashriyoti, 2008. – J 2. – 559 b.
21. Xayriddin Zirikliy. «al-A'lam» asari. – Bayrut, Livan: Dor al-ilm al-mulayin nashriyoti, 1665. – J 7. – 352 b.

